# Энергетика вазирлиги республиканинг бир қатор вилоятларида электр тармоғида узилишлар бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди

Ноқулай об-ҳаво ва шу кеча кундуз атмосфера ёғинлари ойлик норманинг 70-90 % ини ёғиб ўтишини инобатга олиб, электр линияларига қўшимча куч тушишини маълум қилинмоқда.

Хабарда келтирилишича, вазиятдан келиб чиқиб, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида, ҳатто пойтахтнинг айрим туманларида ҳам электр таъминотида узилишлар бўлиши мумкин.

Хозирда юзага келиши мумкин бўлган носозликларни бартараф этиш мақсадида жойларда махсус бригадалар шай ҳолатга келтирилган, дейилади вазирлик хабарида.

2022-10-19 10:30:15